

ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ МЕТОДИКАСИ

10.53885/edires.2021.44.60.021

Нарзуллаев Ф.А.

Жисмоний тайёргарлик деганда шуғулланувчиларнинг жисмоний сифатларни тарбиялаш зарур ҳаракат қуникмалари ва мамлакатларни, эгалаш, функционал имкониятларни оширишга йуналтирилган педагогик жараён тушунилади. Шуғулланувчиларнинг функционал имкониятлари ва жисмоний сифатлари бўлмиш куч, чидамлилик, чақонлик, тезкорлик, эгулувчанликнинг юкори даражада ривожланганлиги ҳаракат малакалари эгалашда асосий ўрин тутади. Бир вақтнинг ўзида жисмоний тайёргарлик вазифаларининг амалга ошириш психологик ва иродавий спортларнинг шаклланишига ёрдам беради.

Зарурий жисмоний сифатларни ривожлантириш узоқ муддатли ва мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки спорт юкори даражадаги жисмоний тайёргарликни талаб этади. Шунинг учун жисмоний сифатларни пропартционал ривожлантириш жуда аҳамиятлиdir.

Жисмоний тайёргарлик воситалари жисмоний тайёргарлик буйича қўйилган вазифаларни ҳал этишда турли воситалар, тайёргарлик машқлари, ҳаракатли ва спорт ўйинлари, ўқув ўйинлари ва мусобақаларидан фойдаланиши мумкин. Шуғулланувчиларнинг индувидуал хусусиятларга машқларни мослаб қўлланилиши асосий шартлардан бири ҳисобланади.

Шуғулланувчилар учун бериладиган жисмоний машқларга қўйдагиларни киритиш мумкин.

- а) тана, қўл оёқ мускулларнинг ривожланишига таъсир этувчи куч ва тезкорлик куч машқлари ;
- б) чидамлилик сифатларининг ривожлантиришга таъсир этувчи машқлар.
- д) ҳаракатланиш тезкорлигига таъсир этувчи машқлар .
- г) эгулувчанлик сифатига таъсир этувчи машқлар е) чақонлик сифатига таъсирэтувчи машқлар.

Бу машқлардан фойдаланиш техник ва тактик усулларни бажариш сифатига туғридан –туғри таъсир этади. Жисмоний тайёргарликда қулланиладиган услублар. Ўқувчилар учун зарур булган жисмоний сифатларни тайёрлашда қўйдаги услублардан фойдаланилади.

- 1.Базавий чидамлиликни тарбиялаш учун бир текис узоқ муддатли югуриш.
- 2.Махсус чидамлиликни тарбиялашда ўзгарувчан ҳарактердаги ишларни бажариш
- 3.Такрорий машқ усули. Бу усул тезкорлик, куч ва чақонлик сифатларини ривожлантиришда қўлланилиб, бунда дам олиш оралиқлари организмнинг тулиқ
- 4.Оралиқ услуг. Бу услуг асосий тезкор ва куч чидамкорлигини тарбиялашда қулланилади. Бунда иш ва дам олиш қатъий равишда тартиблантирилади. Дам олиш оралиғи одатда катта бўлмайди.

5.Алмашунувчи машқ услублари. Бу услубнинг муҳим томони машқнинг боришига қараб таъсир бир мақсадга қаратилган ҳолда ўзгартиришидир. Бунга турли ҳолларда турлича йўл билан нагруззаканинг айрим курсаткичларни тўғри ўзгартириш йўли билан эришилади Бунда организмнинг функционал имкониятларга одатдагидек бўлмаган, яъни тобора каттароқ талаблар қўйилади. Бу билан уларнинг ривожланиши учун имкониятлар яратилади .Шунинг билан бирга, ҳаракат шакли ва шароитни янгилаб туриш туфайли ўзлаштирилган мамлакаларининг динамик стереотегик ўзгаришлар киритилади. Шартли рефлекторли боғланишларни янада нозикроқ дифференсиатсиялаш юз беради,

натижада ҳаракат малакалариянада такомиллашган, ўзгарувчан, ташқи қўшимча омилларга нисбатан мустахкам ва мосланувчан бўлиб боради.

Шуғуланувчиларда жисмоний сифатларни тарбиялаш учун бораётган машқлар уларнинг ёш хусусиятларига ва жисмоний сифатларнинг қулай ёш даврларга қараб танланилиши ва ривожлантириши жуда муҳимдир.